

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ФИДОЙИЛИК РАҒБАТГА МУНОСИБ

Мамлакатимизда 2006 йилдан буён ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси тиббиёт ходимлари кунли сифатида нишонланаётгани соҳа вакилларига юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодасидир. Ушбу сана муносабати билан Зангиота туманидаги "SHUKRONA" ресторанида "Шифокорлик – шарафли ва масъулиятли касб" мавзuida виллоят тадбири бўлиб ўтди. Байрамона безатилган тўқин дастурхон атрофида соҳанинг бир қатор илгор вакиллари жамулжам бўлишди.

Тантанали тадбирда тизимдаги изчил ишлар тиббий хизмат сифати ва самарасини оширишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланиб, соҳанинг ҳуқуқий ва ташкилий базасини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт муассасаларини модернизациялаш, замонавий илгор технологияларни тизимнинг барча йўналишларига изчил жорий этиш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътироф этилди.



Жумладан, болаларга тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Германиянинг KFW банки кредитлари ҳисобидан виллоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини 43 турдаги тиббий аппарат ва жиҳозлар билан таъминлаш учун 214 минг евро маблағ ажратиши режалаштирилган бўлиб, ҳозир 137 минг евролик 17 турдаги замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Бундан ташқари, виллоят "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди хомийлик маблағлари ҳисобидан ҳар бир шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари биттадан "Дамас" русумли тез ёрдам автомашинаси билан таъминланмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ходимлари малака ва маҳоратини янада ошириш, соҳада ортирилган илгор тажрибаларни омалаштириш мақсадида қатор танловлар ўтказилаёпти. Хусусан, бу йилги танловда Бўстонлик тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази болалар ва ўс-

мирлар гигиенаси бўлими санитария врачлари ёрдамчиси Карима Ҳайдарова "Энг яхши санитария-эпидемиология назорати маркази ходими" деб топилди.

Тантананда, шунингдек, юқори натижаларга эришган 8 нафар шифокор Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочили" кўрак нишони, бир қатор соҳа вакиллари виллоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Шунингдек, Ангрен, Бекобод шаҳарлари ва Зангиота, Ўрта Чирчиқ, Бўстонлик туманлари тиббиёт бирлашмаларига виллоят ҳокимлиги ҳамда "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фондининг "Damas" русумли тез тиббий ёрдам машиналари топширилди.

Тадбирда виллоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиёва иштирок этди. Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Қобилжон ҒОҒУРОВ олган суратлар.



Эътироф

АМИР ТЕМУРГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБ РИМДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ



Маълумки, Италия ва Ўзбекистон кўна маданият, бой тарих, маданият ва анъаналарга эга бўлган мамлакатлар сирасига киради. Улар асрлар давомида бир-бирига таъсир кўрсатиб келгани ўтмишдан яхши маълум. Мамлакатимиз ҳудудидан топилган кўна Рим тангалари сингари археология ёдгорликларини, Буюк Ипак йўли воситасидаги тарихий савдо алоқалари, Марко Полонинг Марказий Осиёга саёхати ҳамда кўпчилик учун янгилик бўлган, яъни италиялик машҳур бастакор Антонио Вивалдининг Амир Темур ҳақидаги асари хусусидаги маълумотлар Италия ва Ўзбекистон олимлари томонидан чоп этилган мазкур китобда ўз ифодасини топади.

Асар саҳифаларидан жой олган миниатюралар китобхонни Марказий Осиё ва Ўрта ер денгизи ўлкасининг руҳи билан ошно қилади. Италиялик буюк бастакор Амир Темурнинг ҳарбий фахриятлари ва у эришган муваффақиятларни эътироф этиш билан бирга Соҳибқироннинг маданият жонқуяри бўлганлиги, Темурийлар даврининг илмий, маданий-тарихий мероси бундан далолат бериши хусусидаги фикр-мулоҳазаларини Уйғониш даври услубида ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола қилган.

Китобда нафақат Темурийлар давридаги ҳарбий муваффақиятлар, балки ўша замондаги давлат қурилиши, меъморчилик, илм-фан, шахар инфратузилмаси ва бошқа йўналишлардаги тарихий ўзига хосликлар ҳам атрафлича қаламга олинган. Муаллиф эътироф этганидек, улар Европа мамлакатларида чуккур ўрганилган ва амалда қўлланилган. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур китоб тақдироти Италиянинг илмий-академик доираларини

да катта қизиқишни ҳамда икки мамлакат илмий жамоатчилиги ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун рағбат ҳиссини кучайтирди.

Римдаги Santa Cecilia консерваториясининг профессори Карла Конти Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари ўзларининг буюк аجدларини қолдирган мероснинг муносиб ворислари ва давомчилари ҳисобланганини қайд этди.

– Биз бугунги кунда Ўзбекистоннинг ёш талантлари Европанинг ва бутун дунёнинг нуфузли мусиқа танловларида совринли ўринларни эгаллашганга гувоҳ бўлиб турибмиз, – деди у. – Албатта, мусиқа тарихини ўрганишга доир бундай қўшма илмий-тадқиқот ишлари келахатда ҳам давом этиши лозим.

К. Конти мамлакатимиз билан ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдорлик изҳор этар экан, Италия ва Ўзбекистоннинг мусиқий мулкни янада бойитиш учун икки мамлакат ёш мусиқа ихлосмандларининг алмашувини йўлга қўйишни таклиф этди.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Парламент Ассамблеяси ҳузуридаги Италия делегациясининг раиси Риккардо Мильори ўзбек маданиятида мусиқа марказий ўринини эгаллашини қайд этар экан, бу кенг миқёсда Марказий Осиёдаги цивилизация тараққиётида ҳамон муҳим ўрин тутиб келатганини айтди.

Италия пойтахтида ўтказилган мазкур тадбир икки мамлакат ўртасидаги илмий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ ўзаро фикр алмашувларга жуда бой бўлди.

"Жаҳон" АА.
Рим.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Президент стипендияси соҳиб бўлиш талабалар учун нафақат моддий рағбат, балки улар билимининг эътирофи ҳамдир. Давлатимиз раҳбари номидаги стипендиянинг бу йилги соҳиб ва соҳибалари орасида Тошкент Давлат аграр университети-нинг 2-курс магистранти, оққўргонлик Наргиза Омонбоева ҳам бор. Кишлоқ ҳўжалиги йўналишида шу стипендияга сазовор бўлган иқтидорли талаба билан суҳбатлашдик.

– Юксак мукофотдан қувончингиз чексизлиги чехрангиздан кўриниб турибди.

– Асти сўраманг, хурсандлигимни изоҳлашга тилим ожиз. Бу қувончли хабар ҳали-ҳануз қулоғим остида жаранглаяпти.

Мен шу нарсаси амин бўлдимки, инсон изланса, интилса, ўз остида тиммай ишласа ва келахатқа ишонч кўзи билан боқса, орзу-ниятларига эришар экан. Эътибор одамни руҳлантириб, истеъдодига қанот бағишлайди. Шу маънода, фахр-ифтихор билан айтманки, истиқлол йилларида

ОРЗУЛАРИ БИР ЖАҲОН ҚИЗ



Президентимизнинг бекиёс ғамхўрликлари ва қўллаб-қувватлашлари боис минглаб ёшлар қатори мен ҳам астойдил ўқиб, ўрганаёпман. Бакалавр босқичида Беруний номидаги давлат стипендияси соҳиб бўлган. Натижада магистратурида бўлимининг наслчилик йўналишига имтиёзли, яъни имтихонсиз қабул қилинган.

– Ёшликданок юксак иқтидорли бўлиш оиладаги муҳитга ҳам боғлиқ бўлади, албатта.

– Шундай, зиёли оилада туғилганман. Ота-онам ўқитиб бўлиб ишлаган, ҳозир нафақадарлар. Президент стипендияси соҳиб

(Давоми 2-бетда).

Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

Бу ҳақда виллоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

ЖўМРАК НЕЧА ПУЛ? ИЧИМЛИК СУВИ-ЧИ?

Тоza ичимлик суви муаммоси дунё миқёсида глобал тус олган, сайёрамизнинг турли минтақалари аҳолиси бундан азият чекаётган айни кезларда локайд одамлар тириклик неъматини исроф қилишгаётгани хусусида қатор танқидий мақолалар чоп этилмоқда. Мақсад – "Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит" қабилида кенг аҳоли қатламини огоҳликка чақириб, исрофгарчиликнинг олдини олиш. Бундан тўғри хулоса чиқариб, тоза сувдан оқилона ва тежаб фойдаланаётганлар оз эмас. Аммо...

Яқинда хизмат сафари билан Қибрай туманининг 2- ва 16-умумтаълим мактабларига бордик. Афсуски, ҳар икки таълим даргоҳида ҳам биз таъкидлаётган муаммо гувоҳ бўлдик. Хусусан, 16-мактаб ҳовлисидаги жўмракдан тўхтовсиз сув оқиб ётибди. Ваҳо-

ланки, ўқувчилар мактабда қайнаган сув ичишади. Ўзини Мукамбар Қурбонова деб таништирган ўқитувчининг таъкидлашича, ўқувчилар мактабга қайнаган сув олиб келишади, ошхонада ҳам шундай сув берилади. Эрталаб 9 дан кеч соат 17 гача тўхтовсиз оқаётган

сув эса фақатгина қўл ювиш учун ишлатилади.

"Шунча суви исроф қилмай, жўмрак ўрнатиш мумкин-ку", деган гапимизга "Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази туман бўлимидаги руҳсат беришмайди, суви оқибди қўйишни таъинлашган, бўлмаса танбех беришди" мазмунда жавоб олдик.

Шу ўринда ҳақли савол туғилди. "ДСЭМнинг туман бўлими ва мактаб раҳбарлари ушбу ҳолатга кўз юммай, бошқа чора топишса бўлмайми?"

(Давоми 2-бетда).



ҲАР ЖИҲАТИ ЭЪТИБОРДА

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига биноан, сайловга камиди 40 кун қолганида округ бўйича Бўстонлик туманида 61 та, Юқори Чирчиқ туманида 13 та сайлов участкаси иш бошлади. Участка сайлов комиссиялари таркиби шакллантирилиб, маҳаллий матбуотда эълон қилинди.

(Давоми 2-бетда).



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

Маънавият

ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИ МАСЪУЛИЯТЛИ ИШ

Бир қўшимиз бўларди, обрў-эътиборли, ўқимишли, зиёли. Маҳалла йиғинларига кўпм вақт тополмасида, орасира кўриниб турар, юриш-туриши, гап-сўзига ҳавас қилувчилар кўп эди. Лекин, оиласи, фарзандлари ҳеч кимга қўшилмас, ҳатто, кўни-қўшилларни ёқтирмай, бошқа кўчадан эшик очган, ундан фақат ўзлари кириб чиқарди. Димогдорлик бу хонадон бекасини бора-бора ёлғизла-тиб қўйган эди. Шунинг учун ҳам болалари тонг қоронғусида ишга кетиб, тунда қайтадиган ота эътиборидан четда, ка-зо-қазолар давраси, гап-гаштадан бўшамайди.

– Қачон сиз ҳам болаларга вақт ажратасиз? Эртадан-кечгача ишдасиз. Ана, кўринг энди, ўқишга ҳам бормай, кайф-сафо қилиб юришибди...

(Давоми 2-бетда).

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунли

ЎЗБЕКИСТОН – ТОТУВЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК МАМЛАКАТИ

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истикомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасидан.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг маданияти, анъана ва урф-одатларини ривожлантириш учун қулай шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1992 йили ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази бу бо-радаги ишларга салмоқли

ҳисса қўшмоқда. Мамлакатимиздаги миллий маданият марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш марказининг асосий вазифаларидан биридир. Бошқа жамоат ташкилотлари қатори ушбу марказ ҳам "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда).



– Яқинлашиб келаётган сайловларни миллий қонунчилигимиз асосида очик ва ошкора ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш таъминларида мос ҳолда ташкил этишда округ сай-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Партиялар ҳаёти



Ҳўш, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши мафкуравий ва тарғибот-ташвиқот бўлими ишлари кўнгилда-гидеми? Партия вилоят Кенгашининг ушбу бўлими мудир Зулфия Зокирова бу ҳақда қуйдагиларни сўзлаб берди:

– Хар бир партия, хар

бир депутат тинимсиз изланиб, ижодий фаолият довомида замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланиб иш юритса, ўйламанки, кўзлаган мақсадимизга эришиш осон кечади. Худудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни малакали ўрганиш, одамларнинг

турмуш даражасини яхшилаш каби масалаларни ҳал қилиш жараёнида интерфаол усуллардан кенг фойдаланмоқдамиз.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ОРЗУЛАРИ БИР ЖАҲОН ҚИЗ

бўлганимни биринчи она-жонимга етказдим. Улар кўзларида севинч ёшлари билан дуо қилдилар.

Онам яхши пазанда ва чевар бўлишимни истардилар. Илм йўлидан бораман, деганимда ҳам танловини маъқуллашди. Шундай "қанот"ларим бор экан, мен орзулар осмонидан парвоз этишдан чўчимаيمان.

– Бундай ютуқларга эришишингизда устозларнинг меҳнати кўп бўлса керак?

– Албатта, уларсиз бу ютуқлар қаёқда эди?! Фарзанднинг қомил бўлиб улғайишида ота-онанинг тарбияси нечоғлик муҳим бўлса, ҳаётда тўғри йўл топиб, оқ-қорани танишида, ўз касбининг устаси бўлишида устознинг хизматлари беқийс.

Устозим, илмий раҳбарим Убайдулла Носиров билан бирга "Ўзаслиқлик" корхонасида илмий иш олиб бораётиман. Устозимнинг унвонлари талайгина: қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Британия (Оксфорднинг "Королева Викториа" медали совиридорки).

Яна бир илм фидойиси Ҳусниддин Маширапов ҳам устоз деб биламан. Устозларимнинг: "Нимага эришмоқчи бўлсанг, аввало, қалбингга қучли ишонч бўлсин ва бошлаган ишингга астойдил меҳр қўй..." деган сўзларини доим эсда сақлайман. Устозларим бераётган билимлар, йўл-йўриқлар хаёт йўлида шамчи-роқ бўлаётти.

– Илмий иш қилаётган дедингиз, қандай мавзунини танлагансиз?

(Давоми. Боши 1-бетда).

МАРКАЗ ТЎГАРАК БИЛАН ЧЕКЛАНМАПТИ

Мақтадан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш, истеъдодли ёшларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлаш, ижодий салоҳиятларини янада ривожлантиришда "Баркамол авлод" болалар марказлари фаоллик кўрсатмоқда.

Хусусан, Паркент тумани болалар марказида уч йўналиш бўйича 16 та тўғарак ишламоқда. Тўғараклардаги 55 та гуруҳда 442 ўғил-қиз ўғилари танлаган ижодий йўналишларда мунтазам шуғулланишмоқда. Жумладан, бадий ижодиёт, экология ва ўлкашунослик, техник ижодкорлик каби машғулотларга ўқувчилар қатновни, айникса, кўпайтири.

Марказда фақатгина тўғарак машғулотлари билан чекланиб қолмай, маънавий-маърифий, маданий тарғибот ишларига ҳам

алоҳида эътибор қаратишмоқда. Яқинда 150 дан зиёд ўқувчи иштирокида "Очик эшиклар куни" ўтказилди. "Ягонасан муқаддас Ватаним, севги ва садоқатни сenga бахшида, Гўзал Ўзбекистони!", "Маърифатнинг чироғисиз, устозлар!" мавзуларида давра сўбатлари, байрам тадбирлари ташкил этилиб, ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат, касбга садоқат каби эзу фазилятларни сингдиришга ҳаракат қилинди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

ХАР ЖИҲАТИ ЭЪТИБОРДА

либ, кенг жамоатчилик орасида обрў-эътибор қозонган юртдошларининг муносиб, жамоатчиликнинг обрўли вакиллари билан танлаб олинди. Хар бир участкада 7 нафардан 11 нафаргача аъзо бор. Уларнинг асосий қисми аввалги сайловларда ҳам қатнашган, ўзига яраша тажрибага

эга кишилардир. Шу сабаб хар бир масала жойида ҳал қилинапти. Сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида участкаларнинг асосий қисми мактаб ва коллежлар биносидан жойлаштирилди. Округ ҳудудидан 86 та маҳалла бўлиб, 146 минг 9 сайловчи рўйхатга олин-

ди. Уларнинг 313 нафари 18 ёшга тўлиб, илк бор овоз бериш ҳуқуқларидан фойдаланишди. Айни кунларда участкаларда ҳоналар безатилиб, меъёрий ҳужжатлар билан таъминланаяпти, тиббиёт, она-бола ҳоналари тартибга келтирилмоқда.

Хуршида НАЗАРОВА.

ТАРҒИБОТДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛ

Одатда, партиялар фаолияти, мақсад ва вазифалари, электорат манфаатлари йўлидаги амалий ишлари тўғрисида кенг жамоатчиликка аниқ ва тўғри маълумот етказиш, жойларда учраёт-

ган муайян ижтимоий муаммо ва камчиликларга барҳам бериш билан мафкуравий ва тарғибот-ташвиқот ҳамда аҳоли бандлиги ва ижтимоий-сиёсий масалалар бўлимида шугулланади.

турмуш даражасини яхшилаш каби масалаларни ҳал қилиш жараёнида интерфаол усуллардан кенг фойдаланмоқдамиз.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, муаммоларни биргаликда ҳал этиш мафкуравий тарғиботга оид фаолиятимизнинг асоси ҳисобланади. Одатда, тарғиботчи учун "Мустиқлик ва муқобиллик" имижларини яратиш муҳим. Бунда тарғиботчи ҳужжатлардан парча келтириши, маълуматдаги сиёсий жараёнларга экспертлар билан

биргаликда баҳо бериши, воқеа шохидларининг фикрларидан фойдаланиши керак.

Бугун одамлар даврининг шиддатли нафаси, сиёсий жараёнлар, фуқаролик жамиятида кечаётган ислохотлар моҳиятини яхши идор қилишяпти. Шу боис, партия электорати ўртасида кўпласиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилди. Ўтган беш йил давомида 4500 та сиёсий машғулот ўтказилди. Давра сўбатларида 200 мингга яқин тинг-

ловчи иштирок этди.

Тарғибот гуруҳи режасига киритилган хар бир сиёсий тадбир жойлардаги бошланғич партия ташкилотларининг аниқ амалий ишлари билан ҳам-оҳанг олиб берилмоқда.

Бунда биз сиёсатшунос олимлар, жамоат ва нодавлат ташкилот вакиллари, ҳуқуқшунослар ёрдамида фойдаланмоқдамиз. Айни кезларда сайлов жараёнига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда.

Наргис ҲАСАНОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Пири бадавлатларимиз

Зулфинисо момонинг юз ёшга тўлганларини нишонлаш катта тантанга айлана кетди. Онахонини табар-

рук ёшлари билан қутлаш учун қариндош-уруғларига эмас, бутун "Боғишамол" маҳалласи кўчиб келди.

КАЙВОНЛАР – ЮРТ ФАЙЗИ



– У киши нафақат Турдиматовлар хонадонининг, балки бутун маҳалламизнинг файзи, дуоғуи ва маслаҳатчиси, дейди қишлоқ нурунийларидан бири Ҳайитбой Ота Эргашев. – Ҳали ҳам тетик, бардам онахонининг ўрни хар доим давраларнинг тўрида. У кишининг фотиҳаси билан ошлар сузилади, дастурхонларга дуо ўқилади.

Умр бўйи далада меҳнат қилган, 8 фарзандни вояга етказган Зулфинисо момонинг юзларидан нур ёйилади. Умр йўлдоши Тожибой Ота ҳаётни эрта

тарк этган, момо 4 ўғил ва 4 қизни ҳалол меҳнат билан боқиб катта қилди, ўқитди, элга қўшди. Уч қиз ўқитувчиликни, бир қиз шифокорликни танлаган бўлса, ўғиллардан бири ички ишлар идораларида, қолган уч нафари тадбиркорлик қилимоқда. 31 нева-ра ва 42 чевара Зулфинисо момо наслининг давомчиларидир.

Ҳозирги кунда онахон кенжа фарзанди Исомиддин ва келини Мавлудхоннинг ардоғида. Улар оналарини оқ ювиб, оқ тараб, қўнғилини кўтариб, дуоларини олишмоқда.

Каримкул МАВЛОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

– Баркамол авлод мустақкам ва аҳил оилада камол топади, дейди Республика байналмилал маданият маркази директори Н. Муҳаммадиев. – Бунинг учун мамлакатимизда барча ҳуқуқий, маънавий ва моддий асослар яратилган. Йил давомида марказ томонидан "Баркамол шахс" тарбиялашда миллий маданият қадриятларининг роли мавзусида илмий-амалий семинарлар, "Биз – сенинг фарзандларингиз, Ўзбекистон!" фотосуратлар, бадий-амалий санъат ва болалар ижодиёти кўргазмалари ўтказилди, янги "Ўзбекистон – кўп миллатли мамлакат" ҳужжатли фильми намойиш этилди. Ушбу тадбирлар доирасида "Соғлом бола йили" Давлат дастурига мувофиқ амалга оширилган ишлар, ёшларни етук шахслар этиб вояга етказишда байналмилал тарбиянинг роли ва аҳамияти хусусида фикр алмашилди.

Бундан ташқари, миллий маданият марказлари томонидан болалар ёзуви ва шоирлар, болалар бадий жамоалари ва ёш эстрада хонадалари иштирокида Соғлом бола йилига бағишланган концерт дастурлари, "Китоб бизни бирлаштиради" мавзусида болалар байрами

(Давоми. Боши 1-бетда).

ташкил этилди. Бухорода атоқли туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули таваллудининг 290 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказилди. Туркман миллий маданият маркази фаоллари Ашхоббодда ўтган Жаҳон туркманлари гуманитар ассоциациясининг 17-конференциясида ва

фестивалини ташкил қилди.

Миллий маданият марказлари ҳузурида она тилини ўрганиш тўғарак ва курслари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда тарих, маданият, санъат, халқ аънани ва урф-одатлари бўйича маърузалар, сўбатлар, турли соҳа вакиллари билан уч-

ЎЗБЕКИСТОН – ТОТУВЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК МАМЛАКАТИ

бошқа тадбирларда иштирок этди. Қозоқ миллий маданият маркази ташаббуси билан ўтказилган ўзбек ва қозоқ халқлари дўстлик фестивалида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида маданий алоқаларни ривожлантиришга бағишланган янги ҳужжатли фильм намойиш этилди. Олмалик шаҳар Корей миллий маданият маркази ва "Баркамол авлод" болалар маркази корей тили бўйича олимпиада ўтказди. "Видергебурт" немис миллий маданият маркази ҳудудий бўлимлар билан биргаликда Бухоро ва Хивада "Буюк ипак йўли" ёшлар лингвистика оромоғини, немис тилида саҳна асарлари қўядиган ҳаваскор театр жамоаларининг еттинчи республика

рашувлар ва бошқа кўплас тадбирлар ўтказилмоқда.

Марказлар вакиллари хайрия тадбирларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Ча университет (Жанубий Корея) "Пундан Ча" шифохонаси мутахассислари "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ва Корея Республикасининг "Junior Chamber International – JCI" халқаро ёшлар ташкилоти кўмағида Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида юрак касаллиги билан турилган болаларни тиббий кўриқдан ўтказди. Оҳангирондаги Меҳрибонлик уйи ва пойтахтимиздаги 21-Муроват уйи, Тошкент шаҳар ногиронлар жамияти Бектемир тумани бўлимида хайрия акциялари бўлиб

Маънавият

Хуллас, гиёҳвандлик дардига мубатло бўлган ўғил энди ҳеч кимнинг сўзига қирмас, фикр-хаёли пул топиш, нафсини қондириш бўлиб қолган эди. Уни уйлантириб қўймоқчи бўлишди-ю, лекин ҳеч ким гиёҳвандни қув қилишни истамди. Номусига чидай олмаган ота кексаёнда уйдан чиқиб кетди. Она эса ўғлининг зуғумидан қочиб, ота ҳовлисида бориб яшай бошлади. Уйдаги қўлга илинган нарсани сотиб, жигдиларига урган нобакор энди кўни-қўшилларнинг

хонадон фарзандлари ҳам бу иллат тўрига осонгина илинади, сабаби – назоратсизлик. Болани ўсмирлик чоғида эътиборсиз қолдирмаслик керак. Буни энди ҳамма яхши билади. Аммо, ҳамон бу ҳолат онда-сонда бўлса ҳам учраб туради. Сабаби, молу дунё кўзини кўр қилган, ўғил-қизини хаддан ортик эркалатиб қўйган оилалар йўқ эмас. Ёки, пул топаман деб, фарзандларини қаровсиз қолдириб, узоқларга кетаётган ота-оналар ҳам бор. Қолаверса, бегона юртлардан

та туриб, аста-секин бўлса-да улар соғлом ҳаётга қайтаётганидан мамнун бўламиз. Лекин бу осон эмас. Ахир героин қабул қилувчилар, хоҳ у чекиш ёки томир орқали бўлсин, тамоман унга қарам бўлиб қолишларини ўйлаб ўтиришмайди ҳам. Бир-икки дақиқалик ҳузу, кайф-сафо деб умрини соғиратганларни ачинарли. Қўқори, наша, опиум (афюн) каби гиёҳванд моддаларни юрти-мизга ноқонунли олиб кираётганлар ва етиштираётганларнинг пайи қирқилиб,

ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИ МАСЪУЛИЯТЛИ ИШ

турли касалликларни орттириб келаётганлар ҳам дардини унутиш мақсадида гиёҳвандликка руж қўйишад.

Тўғри, бу касалликнинг келиб чиқишида "макросоциал" ёки "микросоциал" сабаблар ҳам бор. Яъни, баъзи миллатларнинг урф-одатларида кўра, турли маросимларда алкогольли маҳсулотлар асосий ўринда туради. Бу сурункали ичкилик-бозлик охири-оқибат гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга шароит яратди. Ҳатто, айрим давлатларда у ёки бу гиёҳвандлик воситаси муомаласига рухсат этилган (каннобиноидлар). Бу эса, ўз-ўзидан ҳам давлат, ҳам миллат таназзулини келтириб чиқариши шубҳасиз.

– Мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши кураш, унинг олдини олиш бўйича кескин чора-тадбирлар қўйилаётгани яхши маълум. Жумладан, вилоятимизда ҳам.

– Албатта. Хозирги кунда Ангрен шаҳридаги вилоят наркологи, руҳий-асаб касалликлари диспансерлари ва уларнинг Олмалик, Бекобод, Чирчик шаҳарларидаги бўлимларида ушбу касалликнинг олдини олиш, даволаш, соғлом ҳаётга қайтариш чоралари қўрилмоқда. 30 дан ортик малакали шифокор-нарколог беморлар хизматиди. Диспансер хисобидида гиёҳвандликка чалинган беморларни куза-

кадами қис-қариб қолгани ҳам ҳақиқат. Бунда вилоят ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорлигини яхши самара бермоқда.

Бунинг беморларимизнинг иккидан бири ҳам сўзсиз бўлади: "Мен энди бу балодан буткул халос бўлишни истайман, – дейди бир бемор. – Гиёҳванд моддаларни сотиб оламан деб хонумоним куйди..."

– Гиёҳвандлар кўпинча даволаниш учун ўз ихтиёри билан келишмайди, тўғрими?

– Тўғри. Лекин ўз ихтиёри билан даволанаётганлар ҳам йўқ эмас. Мухими, бунинг ўз вақтида пайкаб, тўхтата олиш зарур.

– Гиёҳвандликка қарши курашнинг самарали йўллари ҳақида нима дейсиз?

– Биринчидан, вилоят ички ишлар бошқармаси, оммавий ахборот воситалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада қучайтиришимиз керак. Иккинчидан, гиёҳвандларни аниқлаш, уларни даволаш, тиббий-иҷтимоий реабилитация (соғлиқни тиклаш), ҳисобга олинганлар устандан қатъий назорат ўрнатиш, касаллик асоратларига қарши профилактик чора-тадбирлар, СПИД, ОИТС, гепатит С каби юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш. Мухими, касалликни ўтказиб юбормаслик керак.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири Сайёра РИХСИЕВА сўхбатлашди.

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

ЖЎМРАК НЕЧА ПУЛ? ИЧИМЛИК СУВИ-ЧИ?

10 сонияда бир литр, бир дақиқада 6 литр сув билан бўлиётган бўлса, туман ёки вилоят мқисдида ой ва йиллар давомида увол бўлаётган сув ва унинг ҳақини рақамларда акс эттириш мумкин, аммо исрофгарчиликни ҳеч қандай рақам билан йодолаб бўлмайди.

2-умумтаълим мактабида ҳам аҳвол шундай. Фарқи шуки, исроф қилинаётган сув ҳисобига бу ерда босим пасайиб, ахён-ахёндагина жойига келади ва яна сув исроф бўлаверади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тўғри, бизнинг юрти-мизда тоза ичимлик суви билан боғлиқ жиддий муаммолар йўқ. Аммо, бу сувини хоҳлаганга исроф қилиш мумкин дегани эмас-ку!

Мақта ёнида яна бир хунук ҳолат эътиборимизни тортиди. Муассасанинг шундоққина чегара панжараси ортидаги ахлат уюми тутаб ётибди. Ундан чиқаётган қуёқ заҳарли тутун булутлар билан бўйлашаётгандек гўё...

– Чикиндиларни ёкиб бўлмайди, – дейди мактаб директори ўринбосари Шахноза Мусаева. – Чунки

бу ҳудудда нафақат мактаб, балки 11-боғча ҳам бор.

Умуман чиқиндиҳона-нинг мактаб ёнида эканининг ўзи нотўғри. Болалар соғлиғи ва экологияга бу тақдир муносабат катта хато эмасми?! Бу ҳақда Зебунисо маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидида кўп қаватли уйларида истиқомат қилувчилар, маҳалла фаоллари ва мутасадди идора вакиллари қачон ўйлаб қўришади?

Даврон АҲМЕДОВ, Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбирлари.

маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари миллий комиссияси билан ҳамкорликда Халқаро бағрикенглик кўнига бағишланган тадбирлар ўтказилиши режа-лаштирилмоқда.

Ўз миллий маданиятини ривожлантираётган марказлар бир-бири билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйган ҳолда, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари-нинг ўзaro ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда, маданиятлар ҳамкорлигини янада кенгайтириш, юртдошларимизда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга кўмаклашмоқда. Бу эса давлат-симиз томонидан муносиб ба-ҳоланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бағрикенглик муҳитини, шунингдек, миллатларо ва динларо муносабатларини мустаҳкамлаш давлатимиз томонидан амалга оширилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Турли миллат вакиллари мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, Ватанимиз тараққиёти ва халқини фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ирина ДОЛЕНКО, ЎЗА муҳбири.

Хушхабар

ЭФИРДА – УНИВЕРСИТЕТ РАДИОСИ!

Тошкент Давлат аграр университетининг "Камолот" радиоси ишга тушган, қисқа фурсатдаёқ талабаларнинг ёрдамчисига айланди. Ҳозирча радиоканал университети ҳовлисида янграпти. Кейинчалик бино ва ётоқхоналарнинг ичида ҳам узатиш йўлга қўйилади. Радио жамоаси учун компьютер жамламалари, зарур жиҳозлар ажратилган. Фаоллар залидаги овоз ёзиш студияси ҳам улар ихтиёрига берилган.

Умида Худойназарова, Гулсала Сулаймонова, Илбас Сафаров, Асрор Собилов каби тиришқоқ талабалар қизқарли дас-турлар тайёрлашга киришиб кетишган. "Замон билан ҳамнафас" дастуридан турли янгилликлар, спорт хабарлари ўрин олган бўлса, "Таваллуд айёмингиз билан" блокида университет ходимлари ва талабалари туғилган кунлари билан табрикланади. "Оҳанглар жилоси" деб номланувчи мусликий тўп-ламда мумтоз ва хориж

кўй-қўшиқлари эфирга узатилаётгани талабаларнинг катта танаффусни мароқли ўтказишларида хизмат қилапти.

– SMS-сўров орқали талабаларимиз ўзларини қизиқтирган саволларни радиоэфирга жўнатишяпти, – дейди университет "Камолот" етакчиси Шавкат Дурхўжаев. – Устозлар ва соҳа мутахассислари кўмагида уларга жавоблар тайёрланиб, йўлланади.

Хурият МУМИНОВА,
Қобилжон ҚОДУРОВ
олган сурат.



Тадбиркорлик

СИФАТ ОШСА, МИЖОЗ КЎПАЯДИ

Куйи Чирчиқ туманида 2013 йилда иш бошлаган "Shaxlo tekstil universal" хусусий корхонаси аёллар ва болалар кийими, иш коржомаси ҳамда ётоқ чойшаблари тикишга ихтисослашган. Керамика мато ва ип маҳаллий хом ашёлардан олинади.

Ҳозирги кунда 15 минг жуфт махсус иш кўчк-лари миқдорларга вақтида етказиб берилмоқда.

– Хар кун янги буюртмалар қабул қиламиз, – дейди корхона раҳбари Файзулло Бўтаев. – Уларни вақтида тайёрлаб бераётганимиздан миқдор

лар мамнун. Шу сабаб, уларнинг сони ортмоқда.

– Бизнинг маҳсулотлар сифатли бўлгани учун хариддорлар, – дейди ишчи Моҳинур Мамарасулова. – Келажакда янги тикув машиналари сотиб олиб, корхона фаолиятини кенгайтириб, қўшимча иш



ўринлари яратиш режалаштирилмоқда.
Муҳаддас ИСРОИЛОВА,
Комила ИКРОМОВА
олган сурат.

Кўшма корхоналар

«БИОЛАЙН-КОСМЕТИКС»
ПАРФЮМЕРИЯЛАРИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Биолайн-косметикс" ўзбекистон-Англия кўшма корхонасида табиий ва шифобахш экстрактлардан юздан ортиқ турдаги парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.



Бу ерда тайёрланаётган ювиниш воситалари, соч бўёқлари, инсон танасини озиклантирувчи балъамларнинг асосий қисми ички бозорда сотилмоқда, бир қисми хорижий давлатларга экспорт қилинаётган.

– Корхонамизда хом ашё ташлашдан то тайёр маҳсулотни қадоклашгача бўлган жараён катъий назоратга олинган, – дейди "Биолайн-косметикс" кўшма корхонаси раҳбари Акрам Мингбаев. – Бу жараёнда маҳсулот таркибиде табиий дармолар ва экстрактлар миқдорининг талаб даражасида бўлиши,

унинг муолажа хусусиятларини меъёрига келтириш кўзда тутилади.

Ўтган йиллар давомида "Биолайн-косметикс" да қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хориждан жажон парфюмерия саноатининг энг илгор ускуна ва технология линиялари келтириб ўрнатилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, маҳсулот тури кўпайди, янги-хизматчиликлар ишда яхшироқ қулайликлар яратилди, сарф-харажатлар сезиларли даражада қискарди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 12 мартда қабул қилган

"2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастурил-амал бўлмоқда.

Корхонада ушбу ҳужжат ижроси доирасида бажарилаётган ишлар самарадорлигини ошириш имконини бераётган. Ўтган йили бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 2 миллиард 800 миллион сўмга яқин, 200 минг долларлик товар ташқи бозорга сотилди.

Бу ерда меҳнат қилаётган ишчиларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Касб-хунар коллежи битирувчиси Мафтуна Махмуджонова шулардан бири.

– Замонавий корхонада ишлашни орзу қилардим, – дейди Мафтуна. – Ниятимга етганимдан, ўзимга хар жиҳатдан маъқул келадиган иш топганимдан хурсандим.

Айни пайтда корхонада маҳсулот қадокланадиган ишчиларни ишлаб чиқариш чоралари кўрилмоқда. Бунинг учун янги линия барпо этилади. Ушбу қурилиш биттач, йигирмадан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Б. ХИДОЯТОВ,
Ў.А. МУХБИРИ.

Ўқув-семинар

МЕЪЁРИЙ ҲУЖАТЛАР БИЛАН ТАНИШИШДИ

Республика Президентининг Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ишларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган

қўшимча чора-тадбирлар Дастури" ижросини таъминлаш мақсадида бошланғич ташкилотлар етакчиларининг ҳудудий ўқув-семинарлари бўлиб ўтмоқда.

Уларда виллоядаги 262 та корхона ва муассасаларнинг бошланғич ташкилотлари етакчилари ўқитилмоқда.

– Маъшулот давомида ўқув-услубий фильм намойиш этилиб, етакчилар корхона, муассаса ва ташкилотларда меҳнат қилаёт-

ган ишларнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга оид асосий вазифалар, бошланғич ташкилотлар фаолиятига оид барча масалалар юзасидан тавсиялар ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан таништирилди, – дейди "Камолот"

ёшлар ижтимоий ҳаракати виллоят кенгаши бўлими бosh мутахассиси Зилола Аширматова. – Бугунги ўқув-семинарда 20 нафар корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бошланғич ташкилот етакчилари қатнашди.

Саид АКБАРОВ.

БУГҲҲ КҲМОВУЛДА КОНФЕРЕНЦИЯ

Аввал хабар берганимиздек, бугун виллоят "Маънавият ва маърифат" марказида Ўзбекистон Экологик ҳаракат виллоят ҳудудий бўлимининг конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Экологик ҳаракат фаоллари, эколог олимлар, табиатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар, шифокор ва педагоглар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этиди. Конференцияда табиатни муҳофаза қилишда эришилётган натижалар ҳамда хавфсизлик ҳаракати-

ни ривожлантириш истиқболлари қўриб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракати республика конференциясига делегатлар сайлаш масаласи муҳокама қилиниб, муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан 25 делегат сайланди.

Саид ҲАСАНОВ.

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш давлат аҳамиятига молик муҳим вазифалардан бири. Аҳоли пунктлари ва иқтисодиёт тармоқларида ёнгин хавфсизлигини таъминлашга ҳукумат даражасида қатъий таъбир қаратилиб, тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга оид қатор қарорлар қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ шу йил ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб республика миқёсидаги "Ёнгин хавфсизлиги ойлиги" уюшқоқлик билан ўтиш, меҳнат жамоалари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, тураржойларида ёнгинларнинг олдини олишда барча аҳоли фаол иштирок этиши зарур.

Ойлиқнинг шунчаки, аънавий тадбир эмаслиги, аксинча, унинг моддий ва маънавий бойликларини ёнгиндан сақлашга қаратилган муҳим иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга молик жараён эканини аҳолига етказиш ва тушунтириш соҳа хо-

ҚИШ АРАФАСИДАГИ ТАДБИР

димларининг асосий вазифасидир. Меҳнат жамоаларида, таълим-тарбия ва даволаш муассасаларида, қишлоқ ва маҳаллаларда ойлик давомида аҳоли билан учрашувлар ташкил этиб, ёнгин хавфсизлиги қоидалари тарғиб қилинади. Шу билан бирга ёнгинларнинг олдини олишга доир эслатма ва плакатлар тайёрланиб, тарқатилади. Айниқса, қиш ойларида хонадонларда содир бўладиган ёнгинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари фуқароларга тушунтириб борилади.

Қиш кунлари фуқаролар уйлари яхшироқ иситиш мақсадида турли қўлбола мосламалардан фойдаланишади. Қўп қаватли уйларида айрим хонадон эгалари ҳам яқка тартибда иситиш қозонлари ўрна-тиб, фойдаланишгаётганига гувоҳ бўлаётиз. Бир хонадонда содир бўлган ёнгин қисқа вақт ичида қўшни уйлارга ҳам ўтиб кетиши бир неча

бор кузатилди. Бунинг олдини олиш учун фуқароларнинг уйлари ёнгинга қарши деворлар билан ажратилган бўлиши керак. Ушбу девор бинонинг томондан 60 см. баланд қўтарилган бўлиши лозим. Шунда ёнгин бир уйдан қўшни хонадонларга тарқалишининг олди олинади.

Сўнгги пайтларда қўп қаватли уйлар оралиғидаги йўللарда турли сўнғий тўсиқлар пайдо бўлмоқда. Айрим жойларда баланд панжара ва қўшимча бинолар қўриб олинмоқда. Шунингдек, қўп қаватли уйлар орасида тунда шахсий автомобиллар тартибсиз ҳолда сақланмоқда. Жойлардаги бундай ҳолатлар Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларига бир қатор жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда. Жумладан, ёнгин содир бўлган жойга ўт ўчириш экипажлари етиб боришига, одамларни қўтқариб олиш учун автотранспортлар ўрнатишга ха-

лақит бериб, фуқароларнинг йиллар давомида машаққатли меҳнатлари вазифага барпо этилган меҳнат ва мол-мулки қисқа фурсатда қўйиб, қулга айланишига, энг ачинарлиси, одамлар тан жароҳати олиши ва ҳалок бўлишига олиб келиши мумкин.

Қишнинг совуқ кунларида юз бериши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш ва аянчли оқибатлардан аҳолини асраш учун кенг қамровли "Ёнгин хавфсизлиги ойлиги" тадбирида барча фуқаролар фаол иштирок этишлари зарур. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш билан улар ўзлари ва яқинларининг мол-мулки, соғлиғи ва қолаверса, ҳаётларини ўт бало-сидан асрайди.

Ф. МУТАЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
ЎХББ катта муҳандиси.

ЭЪЛОНЛАР

"КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 20.10.2014 йилдаги №1413/14893-сонли ижро варақасига асосан, Бошланғич нархи – 1 600 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 44-уйда жойлашган, тўққиз қаватли бинонинг 1-2 қаватининг бир қисми, уч қаватли бинонинг биринчи қаватининг бир қисми ва 2-3 қаватлари, яъни (маъмурий бино Блок-А умумий майдони 456,0 кв.м., ишлаб чиқариш биноси Блок-В умумий майдони 2503,0 кв.м., Маъмурий бино Блок-1 умумий майдони 91,0 кв.м. жами умумий майдони 3050,0 кв.м. ва ер участкасининг умумий майдони 4859,0 кв.м., ижарага берилган ер участкаси 2068,0 кв.м.) дан иборат бўлган "Кўчмас мулк биноси" қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2014 йилнинг 16 декабрь кўни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдосига қўйилган қўчмас мулклар қўйилмоқда: 1) Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бoshқармаси томонидан тақдим қилинган Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 05.03.2012 й.даги ЖСХ-1-89/12-сонли ижро варақасига асосан, 1) Бошланғич нархи – 804 310 000 сўм бўлган, Тошкент виллоят, Қибрай тумани, Тузель Қ.Ф.Й.да жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости участка майдони 1121,4 кв.м., хозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м. бир қаватли, асосий бинолар сони 13та, хозирги кундаги фактик асосий бинолар сони 11та, кадастр ҳўжжатида қўрсатилган жами 201,29 кв.м. бўлган қурилмалар, яъни ертўла биноси, хизматчи бино, қурилиш тўғалланмаган устакхона, 2та бостирмаси бузи-иншоотлари; 2) Бошланғич нархи – 653 890 000 сўм бўлган, Тошкент виллоят, Бўстонлик тумани, Бурчмулло қишлоғи ҳудудидеги (собиқ Д.Тусметов кўчаси)да жойлашган, умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости участка майдони 730,4 кв.м., 2 қаватли, асосий бинолари сони 2та, ёрдамчи бинолари 7та, биринчи қаватдаги омборхонаси яшаш ҳўлатига келтириб, қайта таъмирланган "Дала ҳўли"; 3) Бошланғич нархи – 4 075 660 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Ки-

чик халқа йўли кўчаси, 5-А ўй манзиллида жойлашган, ер участкасининг умумий майдон 4611 кв.м., фойдали майдони 1782,2 кв.м.ли 4та бино ва 2та ҳўзувиздан иборат "Чойхона" (Сабо тўйхонаси) биноси; 4) Бошланғич нархи – 1 506 820 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темиров кўчаси, 62-уйда жойлашган, бинонинг умумий майдон 836 кв.м., 3 қаватли бинонинг 1-қаватининг бир қисми бўлган "Машиный хизмат кўрсатиш" бино-иншоотлари; 5) Бошланғич нархи – 2 808 670 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзўк кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844 кв.м., фойдали майдони 2898,3 кв.м.дан иборат "Ишлаб чиқариш ҳудуди" бино-иншоотлари; 6) Бошланғич нархи – 1 317 621 690 сўм бўлган, Наманган виллоят, Наманган шаҳар, 2-ноҳиясида жойлашган, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бинолар, 8 та шаҳобчадан иборат автоустанхона, 4 авто-машинага мўлжалланган автоишхонаси (кадастр ҳўжжати бўйича ер майдони 0,29 га, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м. ташкил этиб, хозирги кундаги биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 га бўлиб, қурилиш ости майдони 3999,30 кв.м.ни ташкил этади); 7) Бошланғич нархи – 107 760 000 сўм бўлган, Тошкент виллоят, Қибрай тумани, "Оқ-қовоқ" қ.ф.й., "Оқ-олтин" маҳалласида жойлашган, ер участкасининг умумий майдон 843 кв.м., қурилиш остидаги участка майдони 180,92 кв.м.дан иборат "Дала ҳўли"; 8) Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 21.08.2013 йилдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган: 1) Бошланғич нархи – 674 274 872 сўм бўлган, Тошкент виллоят, Зангиота тумани, Ойбек кўчасида жойлашган умумий майдони 1,84 га бўлган (бино ва иншоотлар 0001 литердан 0003 литергача, 0004 литердан 0008 литергача қурилиш тўғалланмаган ҳўзу ва иншоотлар) дан иборат "Бошлар спорт соғламлаштириш мажмуаси"; 2) Бошланғич нархи – 3 239 768 715 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Олтин Водий 2-берк кўчаси, 59-уйда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 19992 кв.м. бўлган (0001 литердан 0013 литергача бино ва иншоотлар,

шундан 0003, 0007, 0009, 0011, 0012, 0013 литердан иборат қурилмалар ҳўжжати) "Нотураржой биноси"; 3) Бошланғич нархи – 833 531 140 сўм бўлган, Тошкент виллоят, Зангиота тумани, Қўқсарой қ.ф.й.да жойлашган "MAVLONBEK ALIBEK" МЧЖга қарашли ер участкасининг майдони 5,74 га дан иборат Литер 0001дан Литер 0028гача бўлган "Ферма бино ва иншоот-лари"; 4) Бошланғич нархи – 56 897 906 629 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, А.Қаҳор кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 11 571 кв.м., (А блоки 3-16 қаватлари, Б, В, Г, ва Д блоклардан) иборат бўлган "Қурилиш тўғалланмаган нотурар ва турар жой бинолари"; 5) Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан, 07.07.2014 йилдаги №10-1414/8413-сонли ижро варақасига асосан, Бошланғич нархи – 450 000 000 сўм бўлган Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, М.Уйғур кўчасида жойлашган, умумий майдони 10740 кв.м.дан иборат бўлган "Қўчқа Оқтепа" бозори шаҳобчаси қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдолари 2014 йилнинг 2 декабрь кўни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашниш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотечка банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400 тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳўжатларни қабул қилиш расмий иш кўнлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳўжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига расмий бир иш кўни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 12 ноябрь кўни Тошкентда ҳаво ўзгариш туради, ёнгингарчилик бўлмайд. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-2, кундузи 10-12 даража илик бўлади.

Тошкент виллоятда ҳаво ўзгариш туради, ёнгингарчилик бўлмайд. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади, айрим жойларда 1 даражагача совуқ, кундузи 7-12 даража илик бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариш туради, ёнгингарчилик бўлмайд. Баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 1-6 даража илик бўлади.

"BIRJA SERVIS" МЧЖ шу ном билан хусусий корхонага ўзгаришнинг ҳамда унинг барча ҳўқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олишини маълум қилади.

Сергели тумани Аҳмад али-Фаргоний номи маҳалла фуқаролар йиғини номига Тошкент шаҳар ҳўкимлиги корхоналарини рўйхатга олиш бoshқармаси томонидан 1999 йил 29 январда берилган FN № 011961 рақамли гувоҳноманинг далолатнома иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "TORGIOVY DOM CHINASIA" (ИНН 301394134), зарегистрированное ИПСР Хамзинского района г. Ташкента за реестр № 002597-07 от 04.12.2009 г., расположенное по адресу: ул. Истикбол, дом 15, ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по юридическому адресу общества: г. Ташкент, ул. Истикбол (бывш. Ахунбабаева), дом 15.

ЧП "SANIYAR-SERVIS" (ИНН 300289669) сообщает об изменении формы собственности с ЧП на ООО. Телефон: (+99893) 511-80-10.

Кўргазма

Тошкент фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюмлари аъзоси Любовь Тиорнинг рангта-сир, график асарлари намуналаридан ташкил топган шахсий кўргазмаси очилди.

ДАВР ВА ИДРОК

Мўйқалам соҳибасининг "Экспире-ал" номи билан намойишга қўйилган асарларида ҳаёт фалсафаси тавсифи ва юртимиз табиати манзаралари акс этган. Тарихчи олим Владимир Карасёв таъкидлаганидек, Любовь Тиора ўз асарлари билан маънавий қадриятларни янги давр ва янги замон руҳидан келиб чиқиб, қайта идрок этаётган ижодкорлардан. Экспозициядан жой олган асарлар шунчаки томоша қилиш учун яратилмаган. Му- савир бизни ўз образлари оламига олиб киришга, ҳаёт мазмунини, яшаш- дан мақсад нима эканлиги ҳусусида жиддий мушоҳада қилишга ундайди.

Муаллифнинг кўргазмага қўйилган "Тинчлик дарахти", "Онажон, менга қанот бағишла", "Сенда ҳам ўтмиш", "Аждодлар оловини асровчилар" асарлари кишини мулоҳазага қорлайди. Виллоятимизнинг Бурчмулла, Як- катут, Чотқол кўриқхонаси табиат манзаралари акс этган 20 га яқин асарлари кишига завқ, кўтаринки руҳ бағишлайди. Шунингдек, "Ўзбеки- стон замини" туркумидаги "Она юрт бўйлаб", "Чўпонлар", "Кузнинг хайр- лашув бўяси", "Кузги жонба", "Куз- нинг кумуш нафаси" каби асарлари экспозициядан урин олган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Луқма

БУГУН БЕАНДИША,
ЭРТАГА БЕҲАЁ...

Автобуста бозорга кетаётган эдим. Бир қўлида уяли телефон, бир қўлида писта, қўлгоғи эса эшитиш мосла- масини тақиб олган қиз ёнимга ўтириди. У телефонда аллақим билан тинмай ҳо-ҳолаб қўлиб гаплашар, чаққан пистасининг пўчогини сумкасига солар, сўбат қизиб кет- ган пайтлари эса автобус ичига ташларди. Ҳамманинг кўзи унда. Лекин, ҳеч ким муштад қизга танбех берай демайди. Ҳеч кимдан сазо чиқармаган, ахир, ўзим ботиндим.

— Синглим, шу ишингиз тўғрими? Қаранг, салонни иф- лос қилаяпсиз...

Икки қўлгоғидаги тикан сабаб беандиша йўловчи мени эшитмади. Қўлим билан имлаб, гапимни қайтардим. Ниҳоят, у бир қўлдан телефон тикинишни олиб, норози оҳангда, деди:

— Нима?!

— Кўп гаплашасиз, ҳамма

ёқни ифлос қилиб юбордингиз, дейман...

Шу гапни айтганимиз балога қолдим.

— Сизга нима, бу мени ишим. Хоҳлаган жойимда хоҳ- лаган ишимни қилишга ҳаққим бор. Сиздан сўраб гапла- шаманми, сиздан сўраб писта чақаманми? Қаранг, ҳеч ким ҳеч нарса демаяпти-ку! Сиз нега аралашасиз?

Беандиша қиз шундай дея сўрбетларча яна телефон- даги сўхбатини давом эттирди. Ҳайратдан ёқа ушладим.

Наҳотки, ибод-ҳаёли, одобли, ширинсўз ўзбек қизлари- нинг аҳволи шу бўлса! Кексалар бундай ёшларга танбех бериш ўрнига, жимгина томошабин бўлиб туришса! Шу пайт ёши улў йўловчилардан бири ёзириб қолди:

— Ҳозирги ёшларга битта гап кам, иккитаси кўп. Бил- ганларини қилишсин, замон уларники...

Бу гапга изохининг ҳоҳати бўлмаса керак. Ахир, кат- талар шундай деб турса, "замон бизники" деб кўнглига келган ишни қилаверадиган, жамоат жойида ўзини ту- толмайдиган, беандиша, беҳаё ёшлардан нимани кутиш мумкин?

Одобсиз қиз автобустан тушиб қолган, йўловчилар би- рин-кетин "тига қирди". Ҳайловчи ҳам сўхбатга қўшилди:

— Автобуста телефонда гаплашиш мумкин эмас. Бу биз- ни чаплагани. Мен кўп илтимос қиламан, "Транспортида чекман", "Ифлос қилман", "Телефонда узоқ гаплашманг", деб эълонлар ҳам осиб қўямиз. Аммо кўпчилик ўз биға- нидан қолмаяпти. Нима қилишгайм хайронман. Айрим ота- оналар фарзандларини яхши едириб, сўнгги русумда ки- йинтириб, қиммат телефонлар олиб берапти. Аммо, тарбияси билан шугулланмаяпти. Ҳамма бало шунда...

Моҳира КОДИРОВА,
Ангрен шахри.

Рассом хандаси



Изоҳга ҳолат йўқ.

СПОРТ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Спорт аввало соғлом авлод камоли пойдевори бўлиб, миллат равақига хизмат қилади, мамлакатни жаҳон-

га танитади. Шу боис республика- мизда спортни ривожлантиришга ало- ҳида эътибор қаратилмоқда.



Бўка туманидаги 1-умум- таълим мактабининг янги спорт зали фойдаланишга топширилди. Қурилиш-мон- таж ишларига 409 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлан- ди. Таъмирлаш билан "Турон

Бунёдкор И.К" масъулияти чекланган жамияти шуғуллан- ди.

— Бу йил мактабимиз ўкув- чилари янада қўпайди, — дей- ди директор Бахтиёр Нурма- тов. — Қувонарлиси, уларнинг

кўпи спортга ихлосманд ёшлар.

Янги спорт зали замонавий бўлиб, мукамал жиҳозлан- ган. Рангларнинг ёрқинлиги залга ўзгача ҳамонаглик бахш этган.

— 17 миллион сўмлик спорт инвентарлари келти- рилди, — дея давом этди директор. — Бу жисмоний тарбия дарслари қизиқарли ўқишни таъминлайди ва ўқувчиларга спортнинг иста- ган тури билан шуғулланиш имконини беради. Ҳозир футбол, баскетбол, волейбол тўғрақлари ишлаб турибди. Спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам тўғрақлар таш- қил қилишни режалаштира- яямиз.

— Спорт ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлишга хиз- мат қилади, — дейди мураб- бий Жамшид Эргашев. — Шу билан бирга у ёшларда ўзига ишончини мустаҳкамлайди.

Ирода НОРОБОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.
Қобилжон ГОФУРОВ
олган сурат.

— Сочинг- ни шун- дай чирой- ли турмак- лаб қўй- ки, ҳамма лол қол- син...

Қобилжон
ГОФУРОВ
сурат-лавҳаси.



КИЧКИНТОЙЛАР ТАЪЛИМИГА ЭЪТИБОР

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан таъ- лим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараё- нида мактабга таълим муассасаларининг моддий-тех- ник базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур меъле- ўқув-ўқувчи, кўргазмалар воситалари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Узлуксиз таълимнинг ушбу бошланғич бўғинида ўқув-тарбиявий ишлар Ўзбекистон Республикаси- да мактабга таълим кон- цепцияси асосида олиб бо- рилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 4950 мак- табга таълим муассасаси фаолият юритмоқда.

Ёш авлодини жисмонан ва маънан баркамол этиб тар- биялаш мақсадида ушбу муассасаларда кичкинтой- ларга чет тилларни ўрга-

тиш, спорт ва бадий тўга- рақларни ташкил этиш бўйича изчил ишлар олиб

борилмоқда. Ҳозирги пайт- да мамлакатимиздаги мак- табга таълим муассасала- ридан инглиз, немис, фран- цуз тиллари, бадий гим- настика, шахмат, шашка ва бошқа тўғрақлар фаолият

юритмоқда. Болаларга хал- қимизнинг бой тарихи, мил- лий анъана ва қадриятла- римизни ўргатиш мақсади- да мактабга таълим мас-

каларида маънавий хона- си, музейлар, кутубхоналар ташкил этилган.

"Соғлом бола йили" Дав- лат дастурига мувофиқ Ўзе- бкистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томони- дан бу йил илк марта мак- табга таълимга қамраб олинмаган болаларнинг ота- оналари учун "Болажон" та- янч дастури асосида "Нутқ ўстириш, ўқиш ва саводга тай- ёрлаш", "Математик тасав- вуларни шакллантириш", "Шеърли асарлар тўплами", "Насрий асарлар тўплами", "Соғлом танда — соғ ақл" қўлланмалари яратилди.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Шунақаси ҳам бўлади

Машҳур шоиримизнинг ҳажвий шеърларидаги ли- рик қаҳрамон — Матмуса- нинг чўкаётган кишини кут- каргани ҳақидаги хангома- ни ўқиганмисиз?

Шаҳарлик олифта меҳ- мон ёзининг жазирасидада "Тўполонсиз"га маҳлиё бўлганча "оҳ-оҳ" деб сувга тушадую... оқиб кетади.

Бечора сузишни билмас экан, дам ўтмай, шошқин сой уни ўз домига тарта бошлайди. Ранги докакдек оқариб кетган шаҳарлик меҳмон "Кутқарилгари!"

деган сўзни саккиз тилда қайтаради. Белини ушла- ганча, хайрон бўлиб тур- ган Матмуса олифта меҳ- монга бамайилхотир тан- бех беради: "Тавба, шунча тилни ўргангунча сузишни ўргансанг бўлмасиди?"

Шу йилги ёзда Матму- санинг ҳолига тушишимиз- га бир баҳа қолса, денг. Чўкаётган одамнинг важо- хатини кўришданам дах- шатли манзара бўлмасан- кан.

Кибрайнинг қоқ белидан Қорасув ўрмалаб оқади. Унинг "Бағиш" деган жой- дан ўтувчи қисмида дала- ларга сув тақсимлаш ин- шооти — тўғон бор. Ёзда,

ерда ўрганганмиз.

Ховузнинг шундоқина "бикин"ида Абдулла фер- мернинг бог-роғлари бор.

Баъзан шу фермернинг ҳам богларида ҳосил пиш- ганда, бошқалар каби чўнтаги яйраб пул кўра- микин, деб ўйлаб қоламан.

Нега десангиз, олмаю ўрик, гилосу шафтоли аини пишган пайтда Қора- сувда ҳам "чўмилиш мав- суми" қизган бўлади.

Сувга шўнғийвериб лаби кўхарган ёш-яланлар та- бийки, бир зумда очика- ди. Бундай паллада Абдул- ла фермернинг ҳосилдор богларида хуфёна "юрши"- лар қилиниб, қорин тўйга- зиш масаласи ижобий ҳал

этилади...

Энди, лағмончўзди қил- май, ҳалига гапга қайтасак.

Хуллас, асад бошланган кўзда уч-тўртта ҳамқишлоқ

жўралар болаликдан кадр- дон бўлган худди шу ерга

чўмилгани бордик. Тўғон бўйи ўсмир йигит-қизлар

билан тўлиб-тошган. Бу ерда чўмилишдан ҳам кўра, ўспиринларнинг

"кий-чув"ини кузатиш ма- рокли эди.

Қаёқдандир иккита да- роз йигит келиб, чўмил- моқчи бўлишди. Лойга беланган уст-боши, юз- кўздан маълум бўлишича,

бу йигитлар хов нарироқ- қа кад ростлаётган чоғроқ бир иморатда усталиқ

қилиб, гишт қуйишгаётган экан. Афтидан, бу ерликка ўлашмасди, бинобарин,

улар чўмилгаётган қишлоқ болаларига ҳам бегона эди.

Йигитлардан бири уст- бошини ҳам ечмай, шата- лоқ отганча ўзини сувга

КУЙИ ПАЛАТАНИ ТАРҚАТИБ
ЮБОРМОҚЧИ ЭМАС

Япония оммавий ахборот воситаларининг Ўзби- ча, мамлакат бош вазири Синзо Абэ ҳал қилувчи куйи палатани тарқатиб, мuddатидан илгари сай- лов ўтказмоқчи эмас.

"Мен ушбу вакиллар палатасини тарқатиб юбо- риш фикридан мутлақо йи- рокман", деди Абэ Осиё- Тинч океани иқтисодий ҳам- корлиги саммитида қатна- шиб учун Пекинга учиб кетиш олдида. Илгари

мамлакатдаги ҳукмрон ли- берал демократик партия- нинг бир неча депутатни парламентнинг куйи пала- тасини тарқатиб юбориб, мuddатидан илгари сайлов ўтказиш гоёси билан чи- қишган эди. Маҳаллий ом-

ГУАНТАНАМО ТУРМАСИ
ҲАЛИ-БЕРИ ЁПИЛМАЙДИ

Американинг Куба давлати Гуантанамо кўрфази- даги террорчиларга аталган турмаси бошлиғи Да- вид Хит ушбу муассаса Барак Обаманинг президент- лик мuddати тугашидан олдин ёпилиши эҳтимолдан йироқлигини айтди.



кетади. Мамлакат конгрес- си турмани ёпиш учун маб- лағ ажратишни рад этиб, президентнинг қарорлари- га мудом тўсқинлик қилмоқ- да.

Айни вақтда Гуантанамо қамоқхонасида 148 мабуус сақланмоқда. Уларнинг кўпчилигида ҳали тайинли айблов юклангани ҳам йўқ.

ҲУКУМАТ БИНОСИГА ҲУЖУМ

РИА Новости тарқатган хабарда айтилишича, Мексиканинг Герреро штатидаги ҳукумат биносига талаба ва ўқитувчилар ҳужум уюштиришган.

Маълумки, шу йил 28 сентябрда Игуали шаҳрида бир гуруҳ полициячилар қуролланган фуқаролар билан бирга таълимни

ислох қилишга қарши но- розилик уюштирган талаба- ларга ҳужум қилишган. Бу жиноят соқиб шаҳар ҳокими Хосе Луис Абарки- нинг буйруғи билан содир

бўлди. Ушанда олти киши ўлган, 17 киши жароҳатлан- ган ва 57 киши бедарак йўқолган.

Бир мuddат ўтиб, ҳужум уюштирган кўриқчилардан 22 киши қўлга олинди. Шу- нингдек, Игуали шаҳри жамоатчилик хавфсизлиги хизмати раҳбари Фелипе Флоренси қамоққа олиш

тўғрисида ордер берилган эди. Бироқ, у яширинишга улгурди.

Мексика бош прокурори Хесус Мурильо Карам таъ- кидладики, талабалар йў- қолганлиги муносабати бил- лан қамоққа олинганлар бир гуруҳ одамларни ўл- дирганларини тан олишди. Маълум бўлишича, жиноят- чилар талабаларни аввал отиб ўлдиришган, сўнг жа- садларини ёқиб, шаҳар ташқарисидаги ахлатхонага қўмишган.

НИЯТИ БУЗУҚЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Лондонда террорчиликка тайёргарлик қўришда гу- мон қилиниб, қўлга олинган тўрт йигит Британия киро- личаси Елизаветта II га ҳужум қилмоқчи бўлишган.

бўлган террорчилар Лон- дон шаҳри марказидаги полиция участкасига кел- тирилган. Бошланган тер- гов жараёнида сўроқ ҳамда тинтув тадбирлари қўрил- моқда.



ҚОБУЛ МАРКАЗИДА ПОРТЛАШЛАР

Афғонистон пойтахти Қобул марказида ўтган яқшанба кўни иккита кучли портлаш юз бергани ҳақида хабар тарқатди мамлакатнинг Хаама Пресс агентлиги.

Портлашларнинг бири армияга қарашли автоко- лонна яқинида юз берди. Мудофаа вазирлиги вакил- ларининг сўзига қараган- да, ушбу портлашдан ҳеч ким зарар кўрмади. Иккин- чи портлаш эса икки соат- дан сўнг пойтахтдаги по- лиция бошқармаси бино- сининг учинчи қаватида

содир этилди. Бунда ички ишлар вазирлигининг маъ- лумотига кўра, саккиз киши жабрланган. Ҳужуки муҳофаза қилиш органла- ри берган ахборотга му- вофиқ, бош полиция бош- қармаси бошлиғи, полков- ник Ясин Хон ўлдирилган. Пойтахт полицияси бош- лиғи Зоҳир Зоҳир беши-

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

каст қолди. Хар икки пор- тлаш учун масъулиятни "Толибон" ҳаракати жан- гарилари ўз зиммаларига олишди.

Таъкидлаш жоизки, ок- тябрь ойининг охирилари- да АҚШ ҳамда Британия- нинг бир неча минг ҳар- биий хизматчилари база- ларни маҳаллий ҳукумат назорати остига топшириб, мамлакатни тарқ этган эди- лар. Экспертларнинг таъ- кидлашича, шундан сўнг экстремистчилар ҳаракати анча фаоллашган.

«ШАП-ШАП» ДЕГАНИ... ШАФТОЛИ-КАН

билан тўлиб-тошган. Бу ерда чўмилишдан ҳам кўра, ўспиринларнинг

"кий-чув"ини кузатиш ма- рокли эди.

Қаёқдандир иккита да- роз йигит келиб, чўмил- моқчи бўлишди. Лойга беланган уст-боши, юз- кўздан маълум бўлишича,

бу йигитлар хов нарироқ- қа кад ростлаётган чоғроқ бир иморатда усталиқ

қилиб, гишт қуйишгаётган экан. Афтидан, бу ерликка ўлашмасди, бинобарин,

улар чўмилгаётган қишлоқ болаларига ҳам бегона эди.

Йигитлардан бири уст- бошини ҳам ечмай, шата- лоқ отганча ўзини сувга

чўмила-чўмила зерикши- гач, бир-бирларини кўта- риб, сувга ота бошлайди.

Бу сафар ҳам мана шу бемаъни одат бошла- ниб кетди. Ҳеч қўтилимаган- да, тўртта ўспирин кел- ди-ю, ҳалиги усталардан бирини — чўмилимай, кир- фок яқинида дўстини куза- тиб ўтирган йигитнинг оёқ- қўлидан даст қўтариб, сув томонга юра бошлашди.

— Ҳой, мен сузишни билмайман, чин, чин...

Билмайман...

Йигитнинг гапи оғзида қолди. Шалоб этиб, ҳову- за қорин аралаш тушди.

Шунда... жуда санокли со- нияда дахшатли воқеа юз берди. Ҳаллослаб, суви

пар" деганича, оғзи-бурни билан сувга бота бошла- ганида... икки қирғоқдан тўрттадан ўсмир ҳовузга калла ташлаб, чўкаётган йигитнинг ёнидан чиқиш- ди. Бири соқидан, бири қўлидан ушлаб, қирғоққа тортишди.

Уйиндан ўт чиққан эди — шўрлик йигитнинг ранги гезариб, ҳушини йўқотаё- зибди. Чалқанчасига ётки- зиб қўйдик. Кимдир қорни- ни, кўкрагини босди. Оғзи- дан билк-билк сув келди.

Шунда, хайрият-ей, унинг нафас олаётганини сездик.

Бу орада уни сувга от- ган тўполончиларга танбех берамиз десак, аллақачон жуфтани ростлаб қолиш-

ган экан, шоввоэлар! Иш- қилиб, Худо бир асради- да.

Ҳалигача дағ-дағ титра- ётган йигитни у ёқ, бу ёқдан гапга солиб, бироз ўзига келтирмоқчи бўлдим.

Бу икки дўст асли Қақша- дарё томонлардан экан. Тошкентга икки бор келиб, ўқишга кира олишмабди.

Гулдек хунарлари бор экан, шу ерда бироз ишлаб, ти- рикчилик қилишаётган- миш.

Дарвоқе, касбимиз ҳам бор бўлсин-да, мухбирона қизиқувчанлигимиз тутиб, гап орасида бир ўлимдан қолган йигитга савол бер- дик:

— Дўстим, кўнглингизга олманг-у, боя чўкаётгани- гизда галати овоз чиқар- дингиз-а? "Пар-пар" де- дингизми-ей, "тар-тар" дедингизми, ишқилиб, ту- шунолмадик...

Йигитга жон киргандек бўлди, хил қилимсиради:

— Э, акомжоним-а, мен бу ерга ҳеч кимни тоғиё- масам, мана бу жўрмини чоқирдим-да,— деди у ўз шевасида.

Билсак, "жўро"сининг исми... Пардавий экан.

Муҳаммад АБЛО.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла

АБДУШОҲИДОВ

Маълумият:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар

кўчаси, 32.